

Ақийда дарслари (22-дарс). Аллоҳнинг сифатлари ва халафлар



13:10 / 25.02.2019 6173

«Халафлар» деганда «кейин келганлар» маъноси англанади. Халаф уламоларининг Аллоҳ таолонинг сифатлари бўйича қилган асосий ишлари турлича тушуниш мумкин бўлган матнларни Аллоҳ таолонинг айблардан поклигини англатувчи ва бир хил тушунчадан бошқага буриб бўлмайдиган матнлар англатадиган маънога мослаб таъвил қилиш бўлган.

Аҳли сунна вал жамоанинг халаф уламолари мусулмонлар оммасини «мушаббиха», «муъаттила» ва «мужассима» деб аталган тоифаларнинг бузғунчи фикрларидан сақлаш учун шу йўлни тутишга мажбур бўлганлар.

«Мушаббиха»лар Аллоҳ таолонинг сифатларини махлуқотларнинг сифатларига ўхшатишни ўзларига эп кўрган нобакорлардир.

«Муъаттила»лар Аллоҳ таолонинг Ўзи ёки У Зотнинг Расули алайҳиссалом зикр қилган сифатларини манфий қилган нобакорлардир.

«Мужассима»лар Аллоҳ таолога жисм нисбатини берган нобакорлардир.

Аҳли сунна вал жамоанинг халаф уламолари оятда зикр қилинган «қўл»ни «қувват ва карам» деб таъвил қилишган. «Кўз»ни «иноят ва риоят» деб таъвил қилишган. Шунингдек, ҳадиси шарифда «Қалблар Роҳманнинг панжаларидан икки панжа орасидадир», деб келган «икки панжа»ни «ирода ва қудрат» деб таъвил қилишган.

Бир ҳадисда: «Аллоҳ Одамни ўз суратида яратгандир», дейилган. Бунга сиртдан маъно берган кишилар: «Одам Аллоҳнинг суратида яратилган экан», деб ўйлайди. Аммо халаф уламолар бунини «Аллоҳ Одамни ўзига хос суратда яратди» деган маънога мослаб таъвил қилганлар. Бунда «Аллоҳ Одамни халқ қилган вақтда уни ўзига хос суратда яратган, у давр ўтиши билан ўзгариб қолмаган», деган маъно келиб чиқади.

Худди шу ҳадиснинг маъносини англатувчи бошқа бир ҳадисда келган «Аллоҳ Одамни Роҳманнинг суратида яратгандир», деган маънони халаф уламолари: «Роҳманнинг сифатида яратгандир», деб таъвил қилганлар. Араб тилида сурат сифат маъносини ҳам англатади. Ана шунда «Аллоҳ таоло Одамни яратганда уни илм ва идрок каби Ўзида бор сифатлар билан қўшиб яратган» деган маъно келиб чиқади.

Шу ерда халаф уламолари Аллоҳ таолонинг сифатлари ҳақида келган оят ва ҳадисларни таъвил қилишда ҳавойи нафсларига қараб эмас, араб тили қоидаларига ва энг муҳими, диний таълимотлар асосига қараб иш олиб борганларини таъкидлашимиз лозим.

Яна бир бор таъкидлаймизки, салафнинг мазҳаби ўз вақтида тўғри ва афзал бўлган. Халафнинг мазҳабини шароит тақозоси мажбур қилган. Иккисининг мақсади ҳам Аллоҳ таолонинг айблардан ва Ўзига мос бўлмаган сифатлардан поклигини исботлаш бўлган.

“Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар” китобидан